



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти
профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20961118>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 23-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 25-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 27-iyun 2026 yil

KEY WORDS

ички ишлар органлари,
ҳуқуқбузарликлар
виктимологик
профилактикаси, республика,
маҳалла, хавфсиз муҳит.

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратишдаги аҳамияти хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда тавсиялар билдирилган.

Сўнгги йилларда юртимиз маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш бўйича манзилли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январда «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»¹ги ПҚ-1-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижроси натижасида маҳаллаларда жинойтчилик қарийб 1,5 бараварга камайтирилишига эришилди ҳамда мазкур ҳолатни инобатга олган ҳолда, шунингдек, мазкур йўналишда яхлит ишлаш тизимини жорий этиш ҳамда масъул раҳбарларнинг вазифаларини белгилаш мақсадида жорий йил 5-январь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»²ги ПҚ-1-сон Қарорларини мазкур йўналишда амалга оширилган муҳим қадамлар сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти алоҳида аҳамият

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

касб этади. Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг зиммасига биринчи галдаги мажбурият сифатида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»³ги Қонунига биноан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

Айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан ⁴ иборатдир. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг афзалликлари: *биринчидан*, салбий ҳодисаларнинг илдизи ва манбалари, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; *иккинчидан*, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатиши; *учинчидан*, криминоген омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгалиги; *тўртинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; *бешинчидан*, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгалиги; *олтинчидан*, ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принципларига асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади⁵.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁵ Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: дарслик. - Т., 1996. – Б. 173.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»⁶ги Қонунида хуқуқбузарликлар профилак-тикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар тизими, уларнинг ваколатлари баён этилган бўлиб, ушбу фаолиятни амалга оширувчи органлардан бири - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидир.

Жумладан, бугунги кунда хуқуқ-тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётгани⁷, хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти янада ошишига сабаб бўлмоқда. Мазкур фаолиятни амалга оширишда эса, ички ишлар органлари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, аҳоли турар жойларида кўп қиррали хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, хусусан, хуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти айнан профилактика инспекторларининг фаолиятидан бошланади⁸. Профилактика инспекторлари эса, ўз ўрнида ички ишлар органларининг қуйи тизими ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар органлари томонидан республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида амалга оширилаётган хуқуқбузарликлар профилактикаси турларидан бири – бу *хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактика-сидир*.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»⁹ги Қонуни қабул қилингунга қадар юридик адабиётларда учраган «хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси» тушунчаси мазкур қонун билан хуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилди. Ушбу қонунга биноан, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир.

Хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг мақсади ижтимоий муносабатлар субъектларининг хуқуқбузарликлардан жабрланиши билан боғлиқ ижтимоий-хуқуқий муносабатларни комплекс тарзда ўрганган ҳолда уларнинг жабрланиш эҳтимолини максимал даражада камайтиришга йўналтирилади. Яъни, бу борада виктимоген омилларни аниқлаш, бартараф этиш, зарарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтиришга ҳамда виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларни аниқлаш, улардаги виктимлик даражасини пасайтириш ва уларнинг хуқуқбузарликлардан жабрланиш хавфини камайтиришга қаратилган комплекс ҳимоя-тарбия чора-тадбирларини амалга оширишдир. Бошқача айтганда, виктимологик профилактика хуқуқбузарликдан жабрланишга мойил бўлган шахсларга ҳамда улардаги бундай мойилликни шакллантирувчи омилларни бартараф этишга

⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁷ Мартыненко О.А. Детерминация и предупреждение преступности среди персонала органов внутренних дел Украины: Монография. – Х., 2005. – С. 39.

⁸ Ермаков А.Г. Подготовка участковых уполномоченных полиции в вузе МВД России к профилактической работе с населением: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Санкт-Петербург, 2011. / [Эл. манба]. - ҚҚҚ: Шпр://№№№.Ш88егса1сот/соп1еп1 (мур. вақти: 26.05.2022).

⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

қаратилади.

Айтиш мумкинки, виктимликнинг, келиб чиқишининг объектив ва субъектив омиллари мавжуд бўлиб, объектив омилларга маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (қўрқоқлар, журъатсизлар), субъектив омилларга: ишонувчилар, безъятиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, яъни моддий мулкларини кўз-кўз қилувчилар ва бошқа), уришқоқларни қайд этишимиз мумкин.

Жумладан, виктимологик профилактиканинг ўзи ҳам умумий, махсус ва якка тартибда амалга оширилиши мумкин¹⁰. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»¹¹ги Қонунида виктимологик профилактиканинг турлари, шакллари ва усуллари ҳақида алоҳида ёндашув мавжуд бўлмаса-да, аммо бу борада назарий қоидалар ишлаб чиқилган. Айнан шу қоидалар ва тартиблар асосида ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мумкин:

биринчи, умумий тартибдаги виктимологик профилактика;

иккинчи, якка тартибдаги виктимологик профилактика;

учинчи, махсус тартибдаги виктимологик профилактика;

тўртинчи, амалий кўринишга эга виктимологик профилактика¹².

Таъкидлаш лозимки, ушбу қайд этилган профилактик чора-тадбирларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, амалга оширувчи субъектлардан масъулият билан ёндошишни талаб этади. Яъни, бунда ҳар бир профилактик чора-тадбирни амалга ошириш учун тайёргарлик кўриш, бевосита амалга ошириш, натижаларини таҳлил қилиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш каби босқичларни кетма-кетликда босиб ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг турлари, усуллари ва шакллари мазкур фаолиятнинг мазмунини ташкил этади. Бу борадаги билимлар ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишини кафолатлайди. Шунингдек, фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш виктимологик профилактиканинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Ички ишлар органлари республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида амалга ошираётган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси доирасида ўзлари хизмат олиб бораётган ҳудудда ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш, аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усуллариини ўргатиш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил

¹⁰ Ҳужақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонун ҳужжатлари: илмий-амалий таҳлил // ЎзР ИИБ Академиясининг ахборотномаси. – 2015. – № 4. – Б. 35.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

¹² Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Дарслик Т. – 2020 – Б. 161.

этиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш, ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш, ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш, профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш каби чора-тадбирларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

1. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ички ишлар органлари республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини англатиш орқали ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, кенг жамоатчиликка ҳуқуқбузарлик ва уни содир этган шахсларнинг ижтимоий хавфи, ҳуқуқбузарлик содир этиш усул ва воситалари ҳақидаги маълумотларни етказиб, ўзини – ўзи ҳимоя қилишларига эришиш ҳамда ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш билан бирга, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.